

1889 - وَعَنْ أَبِي الْفَضْلِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: شَهِدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ حُنَيْنٍ، فَكَلَّمْتُ أَنَا وَأَبُو سُفْيَانَ بْنَ الْحَارِثِ بْنَ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ نَفَارِقْهُ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى بَعْلَةَ لَهُ بَيْضَاءَ، فَلَمَّا التَّقَى الْمُسْلِمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَلَّى الْمُسْلِمُونَ مُدْبِرِينَ، فَطَفِقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَكُضُّ بَعْلَتَهُ قَبْلَ الْكُفَّارِ، وَأَنَا آخِذٌ بِلِجَامِ بَعْلَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكُفُّهَا إِرَادَةَ أَنْ لَا تُسْرِعَ، وَأَبُو سُفْيَانَ آخِذٌ بِرِكَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ عَبَّاسٍ نَادَى أَصْحَابَ السَّمُرَةِ»، قَالَ الْعَبَّاسُ، وَكَانَ رَجُلًا صَيِّتًا: فَقُلْتُ بِأَعْلَى صَوْتِي: أَيُّ أَصْحَابِ السَّمُرَةِ، فَوَاللَّهِ لَكَأَنَّ عَطْفَتَهُمْ حِينَ سَمِعُوا صَوْتِي عَطْفَةَ الْبَقْرِ عَلَى أَوْلَادِهَا، فَقَالُوا: يَا لَبَيْكَ يَا لَبَيْكَ، فَاقْتَسَلُوا هُمْ وَالْكَفَّارَ، وَالِدَّعْوَةَ فِي الْأَنْصَارِ يُقُولُونَ: يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، ثُمَّ قَصُرَتِ الدَّعْوَةُ عَلَى بَنِي الْحَارِثِ بْنِ الْحَزْرَجِ. فَنَظَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى بَعْلَتِهِ كَالْمُتَطَاوِلِ عَلَيْهَا إِلَى قِتَالِهِمْ فَقَالَ: «هَذَا حِينَ حَمِيَ الْوَطِيسُ» ثُمَّ أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَصِيَّاتٍ، فَرَمَى بِهِنَّ وَجْهَ الْكُفَّارِ، ثُمَّ قَالَ: «اتَّهَزَمُوا وَرَبِّ مُحَمَّدٍ» فَذَهَبْتُ أَنْظُرُ فَإِذَا الْقِتَالُ عَلَى هَيْئَتِهِ فِيمَا أَرَى، فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ رَمَاهُمْ بِحَصِيَّاتِهِ، فَمَا زِلْتُ أَرَى حَدَّهُمْ كَلِيلًا، وَأَمْرَهُمْ مُدْبِرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«الْوَطِيسُ» التَّنَوُّرُ. وَمَعْنَاهُ: اشْتَدَّتِ الْحَرْبُ. وَقَوْلُهُ: «حَدَّهُمْ» هُوَ بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ أَيُّ: بِأَسْهُمٍ.

«Хунайн куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлганман. Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб иккимиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга юриб, у зотдан ажралмадик. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам)Фарва ибн Нуфоса Жузомий ҳадя қилган(оқ хачирларида эдилар. Муслмонлар ва кофирлар тўқнашгач, (камончилардан катта талафот кўрган) муслмонлар орқага чекина бошлашди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эса хачирларини кофирлар томон ниқтай бошладилар. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг хачирлари тезлаб кетмасин деб, унинг юганидан маҳкам ушлаб, тўхтата бошладим. Абу Суфён эса Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг узангиларидан ушлаб олди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Аббос, Самура аҳлини* чақир!»** дедилар.

Менинг овозим жуда баланд эди. Овозим борича: «Самура аҳли қани?» деб бақирдим. Аллоҳга қасамки, улар овозимни эшитиб, (бизни) худди сигирлар болаларини ўраб олганидек ўраб олиб, «Лаббай! Лаббай!» дейишди-да, кофирлар билан жангга ташланишди. Кейин ансорларга чақириқ бўлиб, «Эй ансорлар жамоаси, эй ансорлар жамоаси!» дейишди. Сўнг чақириқ Бани Ҳорис ибн Ҳазражга хосланиб, «Эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж, эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж!» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам хачирлари устида туриб, бўй чўзиб, уларнинг жанг қилишига қарадилар ва: **«Ана энди жанг роса қизиди»**, дедилар. Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир сиқим майда тош олиб, кофирлар томон отдилар ва: **«Муҳаммаднинг Робби билан қасамки, чекинишди!»** дедилар. Сўнг жангни ўз кўзим билан кўриш учун борсам, уруш боягидек давом этаётган экан. Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам майда тошчаларни отганлари заҳоти уларнинг қуввати кетиб, орқага қочгани ҳалигача кўз ўнгимда».

* Самура - сифатли ёғоч берадиган тиканли дарахт. Бу ерда Самура аҳли деганда Ризвон байъати куни самура дарахти остида байъат қилган саҳобалар назарда тутилади.

Манба: hadis.islom.uz



